



ТИЛ САТҲЛАРИДА ДАРАЖАЛАНИШ (ГРАДУОНИМИЯ)

Касимова Муқаддас Бекпўлатовна

“Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейи

Ижтимоий- гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

ТДПУ докторантураси мустақил тадқиқотчиси

muqaddaskasimova9@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада умумий борлиққа хос бўлган даражаланиш ҳодисасининг лисоний даражаланиши қонуни ва унинг ўзбек тилида намоён бўлиш хусусиятлари, даражаланиш (градуонимия) ҳодисасининг тадқиқот обьекти сифатида ўзбек тилишунослигида ўрганилиши, тадқиқотларда келтирилган маълумотлар атрофлича ёритилди. Тилишунослик бўлимларида фонема ва лексемаларнинг, сўз туркумларининг даражаланиши ҳодисаси юзасидан берилган илмий хуносалар билан ўртоқлашилган.

Калим сўзлар: Систем тилишунослик, фонетикада фонемалар даражаланиши, градуонимиянинг лексикологияда воқеланиши, лексемалар семаларида даражаланиши, морфология аспектларида даражаланиши, сифат сўз туркумида белги даражаланиши, равииш сўз туркумида белгининг даражаланиб ифодаланиши, феълнинг нисбат шакларида градуонимик кўрсаткичлар, А.Навоийнинг “Муҳокаматул-луг'атайн” асарида илк градуонимик қаторлар.

ABSTRACT

In the article, the law of linguistic gradation of the universal gradation phenomenon and its manifestations in the Uzbek language, the study of the gradation (graduonimia) phenomenon as a research object in Uzbek linguistics, the information presented in the researches were covered in detail. The scientific conclusions about the phenomenon of phoneme and lexeme grading were shared in the departments of linguistics, .

Keywords: systematic linguistics, gradation of phonemes in phonetics, realization of graduonymy in lexicology, gradation in lexeme symbols, gradation in morphological aspects, gradation of signs in the adjective word group, gradational expression of the sign in the adverbial word group, graduonymic indicators in the relative forms of the verb, in A. Navoi's "Muhokamatul-lug'atayn" first graduonymic series.

АННОТАЦИЯ

В статье подробно освещены закон языковой градации явления универсальной градации и его проявления в узбекском языке, изучение явления градации (градуонимии) как объекта исследования в узбекском языкоznании, сведения, представленные в исследованиях. Освещено научные выводы о феномене фонемной и лексемной градации, в том числе и в словосочетание.

Ключевые слова: систематическая лингвистика, градация фонем в фонетике, реализация градуонимии в лексикологии, градация в семах лексемы, градация в морфологическом аспекте, градация признаков в группе прилагательных, градация выражения признака в группе наречий, градуонимические показатели в относительных формах глагола, первые градуонимические ряды в «Мухокаматул-лугатайн» А.Навои.

КИРИШ (Introduction/ Введение)

Систем тилшуносликнинг ўзбек тилшунослигига ҳам алоҳида йўналиш сифатида қарор топиши тил тизимида парадигматик (ўхшашлик), синтагматик (қўшничилик) ва иерархик (погонавийлик) муносабатлари, уларнинг кўринишларини, хусусан, поғонавий муносабатнинг бир кўриниши бўлган даражаланиш характеристидаги луғавий гуруҳларни ўрганишга ҳам қизиқиш уйғотди. Кейинги йилларда градуонимиянинг воқеланиши юзасидан анчагина илмий тадқиқотлар олиб борилди. Бу ҳодиса тилнинг турли сатҳларида воқеланиши Ш.Раҳматуллаев, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, О. Бозоров, Ш.Орифжонова, Р.Сафарова, Н.Воҳидова, Ж.Жумабаева ва бошқа қатор олимларнинг тадқиқот обьекти бўлиб, уларнинг ишларида даражаланиш турли аспектларда ўрганилган. Ш.Орифжонова градуонимиянинг луғавий даражаланишини, О.Бозоров лисоний даражаланиш лингвистик қонуният эканлигини илмий асослаб берди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Градуонимик қаторлар тилнинг барча сатҳларида:

а) фонетика ва фонологияда : юқори, ўрта, қуи кўтарилиши (**и, э, а, у, ў, о** каби), тор, ўрта, кенг унлилар (**и, у-а, о** каби), тил олди (**т, д**), тил ўрта (**й**), тил орқа (**к, г**), чуқур тил орқа (**қ, ф**), бўғиз (**ҳ**) ундошлари каби.

б) Лексика, семасиология ҳам тилшуносликнинг бир сатҳий обьекти сифатида сўз ва унинг маъносига хос хусусиятларни тизим сифатида ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди .

“Градуонимик қаторларни ажратишда маъновий омилнинг моҳияти шундаки, бир қатор сўзлардаги аташ-номлаш семалари таркибида миқдорга маълум бир белгининг оз-кўплиги, турли хил даражаларига ишора мавжуд. Чунончи, **дарча-эшик-дарвоза** воқеликларини англатувчи **дарча-эшик-дарвоза** сўzlари маъноларининг “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”¹ да изоҳланишини қиёслайлик:

1. **Дарча** – илгари дераза вазифасини ўтаган бир ёки қўш табақали эшик. Эшик ёки деворга ўрнатилган кичик эшикча ёки дераза (Ў.Т.И.Л 212-б)
2. **Эшик** – уй, хона, бино ёки ҳовлиниң кираверишига ўрнатилган очиб ёпиб туриладиган мослама (Ў.Т.И.Л.П. 457-б)
3. **Дарвоза** – ҳовли, қўргон, завод ва шу кабиларга кириладиган, очиб ёпиладиган катта эшик, қопқа. (Ў.Т.И.Л.П 209-б).

Бу сўзларнинг лисоний маъно изоҳлашда аташ, номлаш семалари таркибида миқдорий кўрсаткичларга, хусусиятларга ишора қилувчи семалар, таркибий қисмлар яққол кўзга ташланиб турибди. “**Дарча**” сўзи тавсифида бу кичкина ва “**эшик**”, “**дарвоза**” сўзида катта сўzlари шундай хусусиятларга ишора қилиб келмоқда”²

в) Морфология. Даражаланиш барча тил сатҳларида намоён бўлар экан, унинг морфология бўлимини четлаб ўтиши мумкин эмас. Шунинг учун тил тизимининг умумий қонунияти бўлган даражаланиш ҳодисасини тилнинг барча категориал ва нокатегориал шаклларида кузатиш мумкин. Сифат ва равишлардаги белгини даражалаш (оддий, қиёсий, орттирма, озайтирма) шакллари, феълнинг замон, нисбат шакллари (*аниқ нисбат-ювди, ўзлик нисбат-ювинди, мажхул нисбат-ювилди, орттирма нисбат- ювдириди, биргалик нисбат- ювишиди каби. Бунда ҳаракатни бажарувчи шахс миқдор жиҳатидан ўзгариб боради, бирликдан кўпликка қадар: ювди-ювишиди* каби) бу фикрга аниқ далил бўла олади.

НАТИЖАЛАР (Results / Результаты)

Даражаланиш ҳаракат ва ҳолат англатадиган феъл туркумida, айниқса, ўзаги тақлидий сўзлардан ясалган феъл ясалмаларида кучли намоён бўлади, чунки, биринчидан, ҳар бир ҳаракат ёки ҳолат англатувчи феъл ўзи ифодалаган ҳаракат ёки ҳолатнинг куч миқдори, тез ёки секинлиги, баланд ёки пастлиги, оз ёки кўплиги билан фарқланиб, даражаланиб турса, иккинчидан, тақлид ўзакли

¹ “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” 2 томли. Ў.Т.И.Л сифатида берилади.

² Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия. Тошкент., 1996й.10-б.

феъл ясалмаларда бу хусусиятлар тақлидий сўзларнинг ўз маъноларида ҳам мавжуд бўлади: *тиқ-тиқ, тақ-тақ, тақир-туқур; йилт-йилт, ялт-ялт, ярқ-ярқ; шивир-шивир, пичир-пичир, говур-гувур, дув-дув* каби.

Бу каби тақлидий сўзлардан феъл ясалгач, ҳам тақлидий белги, ҳам ҳаракат белгиси қўшилиб, даражаланишни кучайтиради.

Феъл динамик, яъни ҳаракатдаги белгини ёки ҳолатни ифодалагани сабабли феълларда градуонимик қаторлар хилма-хил ва ранг-барангдир. Сўзларда маъновий даражаланиш тарихини қўздан кечирганимизда айтиб ўтган эдикки, ўзбек тилида илк градуонимик қаторларни Алишер Навоий: “*йигламоқ, бозанмоқ*”, “*тамшимоқ(ичмоқ)*” сўzlари асосида ажратган эди (“Муҳокаматул-луғатайн”)³

“*Ва шеърнинг бино ва мадари ишққа эврилур ва ошиқликда йигламоқдин куллийроқ ва доимийроқ амр йўқтур ва анда тажсаввуъ бор: йигламсинмоқ мазмунидаки, турк мундоқ дебдурки,*

Байт:

*Зоҳид ишқин десаки, қилгай фош,
Йигламсинуру кўзига келмас ёши.*

Ва инграмак ва синграмакким, дард била яшурун оҳиста йигламоқдур... ”

МУҲОКАМА (Discussion / Обсуждение)

Даражаланиш табиат ва жамият тараққиётининг объектив қонуни. Бу фалсафий миқдор ва сифат ўзгаришлари билан ҳам боғлиқ. Масалан, сув тўлдирилган бирор идишнинг тагигача олов ёқилса, сув исигани сайин унинг миқдори ошиб боради, қайнаш даражасида идишдан тошиб чиқиши ҳма мумкин. Бу жараёнда сув сифат жиҳатидан ҳам ўзгариб, совук сувдан иссиқ сувга айланади, демак, табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳар қандай миқдор ўзгариши уни сифат ўзгаришига ҳам айлантиради. Бу тилда ҳам ўз ифодасини топади: исиётган сув аввал “*жиззилайди*”, кейин “*вишиллайди*”, “*биқирлайди*” ва ниҳоят “*шарқиллаб қайнайди*”.

Градуонимик қаторларни луғавий тизимда алоҳида ўрганиш тилда маъновий муносабатда бўлган бошқа қаторларга ҳам аниқлик киритишга имкон беради. Хусусан, синонимия қаторлари билан градуонимик қаторлар ўртасида маълум яқинлик бор. Бундай қаторлар одатда бир сема атрофида бирлашади. Буни *силжимоқ- жилмоқ- юрмоқ- югурмоқ-елмоқ* градуонимик қаторлари ҳамда *югурмоқ-чопмоқ* синонимик қаторида кўриш мумкин.

³ Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш Д.Д.А.Тошкент.,1997й.

ХУЛОСА (Conclusion / Заключение)

Даражаланишни тадқиқ этиш тил тизимини ташкил этувчи бирликлар, сатҳларнинг семантик жиҳатдан шаклланишида муҳимдир. Даражаланиш тилнинг турли сатҳларида ўзига хосликлари билан намоён бўлади. Фонологик сатҳда - ундошлар: бўғиз-чуқур тил орқа-саёз тил орқа-тил ўрта-тил олди;

Унлиларда: тилнинг вертикал ҳаракатига қўра юқори тор- ўрта кенг- қуий кенг тарзида даражаланса, луғавий градуонимия градуонимлар доирасидаги антонимия ва синонимиянинг шаклланишига хизмат қиласи. Мустақил сўзлардан сон сўз туркуми микдорий тадрижийликка асосланса, сифат сўз туркумидаги “камлик-меърида-ортиқлик” қолипидаги даражака мавжуд. Олмошнинг мустақил луғавий маъноси бўлмагани ва у мустақил луғавий маъноли сўзларга ишора қилгани сабабли улардаги даражаланиш ҳам нисбий тус олади. Феълдаги ҳаракатнинг кучли-кучсиз даражасини англатувчи шакллар ҳам градуонимлар дея талқин этилади: *қув-қувла, турт-туртқила, чоп-чопқиљла* каби. Туркий тилдаги илк градуонимик қаторлар А.Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” асарида тадқиқ қилингани мавзунинг нақадар қадим таҳлил илдизлари мавжудлигидан дарак беради.

Умуман, тил тизимида градуонимик муносабатларни чуқурроқ ўрганиш, даражаланувчи бирликларни ва булар асосида шаклланган фарқланувчи маъноларни белгилаш тилнинг фонетик, лексик, грамматик соҳаларини янада мукаммалроқ ўрганишга имкон яратади.

REFERENCES

1. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 2 томли. Ў.Т.И.Л сифатида берилади.
2. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия. Тошкент.,1996й.10-б.
3. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш Д.Д.А.Тошкент.,1997й.
4. А.Навоий “Муҳокаматул- луғатайн”.
5. Mustafayev, Ulash Utayevich (2021). YANGI O'ZBEKİSTON: QADRIYATLAR VA FALSAFIY FANLARNING DOLZARB MUAMMOLARI BO'YICHA AYRIM MULOHAZALAR. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (10), 568-577.
6. Mustafayev, U. U. (2021). TA'LIM BOZORI VA INTELLEKTUAL SOTSIAL “TOVAR” SIFATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(8), 218-226.
7. Мустафаев, У. У., &Мустафаева, С. У. (2022). ҲОЗИРГИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ЁШЛАР ТАЪЛИМ-

ТАРБИЯСИННИГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 23), 697-706.

8. Мустафаев, У. У., &Мустафаева, С. У. (2022). ҲОЗИРГИ ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ВА ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИННИГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 23), 697-706.

9. Mustafayev, U. U., Mustafayeva, S. U., &Haydarov, O. E. (2022). TURMUSHDAGI ISLOM: NAMOYON BO 'LISHI VA MOHIYATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(1), 914-921.

10. Хайдаров Одил Эргашевич (2022). СУРХОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИННИГ ЁЗ ВА КУЗ МАВСУМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРИ ВА УРФ-ОДАТЛАРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(7), 134-140.